



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги энг муҳим вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Илгари тадбиркорликни йўлга қўймоқчи, бирор фирма ёки корхона очмоқчи бўлган одам ҳужжат тўғрисида ҳар қандай сарсон-саргардон бўларди. Нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун ҳам баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келарди.

Бугун ҳам қатор давлат органларида ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги давлат хизматлари кўрсатишда муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишининг паст даражада экани ва қўғоз ҳужжатлар айланмасининг сақланиб қолгани асосан молиявий харажатларга, фуқароларнинг ортиқча кутиб қолиши ва навбатлар юзага келишига, бу эса, оқибатда баъзан коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда.

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида инсон манфаатлари бош мезон сифатида белгилангани ҳамда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган улғувор ғоя илгари сурилгани давлат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари

агентлиги ташкил этилди. 2018 йил 1 январдан «ягона дарча» марказлари Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказларига айлантирилди.

Бугунги кунда мазкур марказлар томонидан болаларни мактабга таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, лойиҳа ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга, яқна тартибда уй-жой қуришга (реконструкция қилишга) рухсат бериш, суддан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсат бериш каби хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган. Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турини янада кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат хизматларининг ҳар бир тури «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига қўра, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан муштарак равишда олиши ҳисобига соддалаштирилади.

Албатта, одамларнинг мушкуллини осон қиладиган, замонавий технологияларга асосланган бу тизим халқимизга катта қулайлик яратмоқда. Лекин ҳали жойларда айрим камчиликлар борлиги тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишда қийинчилик туғдирмоқда.

Масалан, айрим ваколатли

органларда давлат хизмати кўрсатиш бўйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмаган, идораларда электрон ахборот алмашуви йўлга қўйилмаган. Айрим Давлат хизматлари марказлари оптик толали интернет тармоғига уланмаган.

Йиғилишда бу муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идораларга 50 та давлат хизматлари бўйича электрон ахборот тизими ва электрон маълумотлар базасини яратиш, барча давлат хизматлари марказларини оптик толали интернетга улаш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, барча марказларда электрон навбат тизimini ишга тушириш, уяли телефонлар орқали давлат хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган дастурлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат хизматлари марказлари бизнеснинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик асосида замонавий қилиб қуриш, бу борада инвесторларга имтиёзлар бериш вазифаси қўйилди.

Маълумки, тадбиркорликка доир 35 турдаги лицензия ва рухсатномалар ҳуқуқат томонидан берилди. Бундай ўта марказлаштириш тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилади. Шу боис, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ, лицензиялар ва рухсат бериш тартиб-қоидаларини кескин қисқартириш ва соддалаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Кадастр ва қурилиш соҳаларида давлат хизматлари кўрсатиш

қониқарсиз аҳволда экани жиддий танқид қилинди. «Ергеодезкадастр» қўмитасига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда кўчмас мулк объектларининг кадастр ҳужжатларини электрон тартибда юритиш, кадастр гувоҳномаларини қўғозда эмас, балки электрон реестрдан кўчирма шаклида бериш амалиётини жорий этиш вазифаси топширилди. Шунингдек, барча рухсатнома ва лицензияларни электрон тизим орқали тақдим этиш имконини берадиган «Лицензия» ахборот комплексини жорий йил май ойига қадар тўлиқ ишга тушириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2021 йилгача 5 миллиондан зиёд ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш зарур. Бироқ бу бўйича ҳар бир вилоятда 3-4 та, мамлакатимизда жами 49 та тузилма бор, холос. Эндиликда ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириб бериш ҳам Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун ушбу марказларга йўл ҳаракати хавфсизлиги вакили бириктирилади.

Сайёр қабулларда билдирилган тақлифларни инобатга олиб, Адлия вазирлигига Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр босқичига ҳужжатларни жойлардаги давлат хизматлари марказлари орқали топширишни тажриба тариқасида жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда соҳага масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Давлат хизматлари кўрсатиш тизimini такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

ЎЗА



ЖАНУБИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ ИШГА ТУШДИ

Шу муносабат билан ОАВ ходимлари учун медиа-тур ташкил этилиб, унда вокзалда яратилган имкониятлар, кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тошкент Жанубий темир йўл вокзали таъмири янги қиёфа касб этди. Вокзалнинг умумий майдони 9,2 гектар бўлиб, 650 метрлик 3 та перронга эга. Вокзал ҳудудида диаметри 14 метрлик иккита замонавий фаввора бунёд этилиб, бир-бирига тақрибан манзарали дарахтлар ва турли гуллар экилган.

Йўловчиларнинг йўл ҳужжатлари, юклар фақатгина вокзал ҳудудида кириш жойида текширилади. Юк ташиш аравачалари ва но-гиронлиги бор шахслар махсус аравачалардан бепоул фойдаланиши мумкин. Вокзал биносидан кутиш, юқори хизмат кўрсатиш (VIP) заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, меҳмонхона, дам олиш хоналари, буфет, кўчма савдо

нуқталари, китоб шохобчаси, WiFi интернет хизмати, электрон кутубхона, ширинликлар ва миллий совғалар шохобчаси, электрон маълумотлар маркази мавжуд.

— Вокзалда сайёҳлар учун махсус кутиш зали барпо этилди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари Даврон Ортиқов. — Бундан ташқари, йўловчиларга қулайлик яратиш ҳамда вақтни тежаш мақсадида 12 та чиптахона ташкил қилинган.

Вокзалда бир кеча-кундузда 17 та маҳаллий поезд қатнови йўлга қўйилиб, ҳар куни 11 минг нафардан ортиқ йўловчи хизмат кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Кеча Жанубий темир йўл вокзалидан Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича поезднинг илк қатнови йўлга қўйилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.



Фототур АПМББ ва ЎЗА билан бўлади.

МУНОСАБАТ ТИНЧЛИККА УМИД УЙҒОНМОҚДА

Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий нақл бор. Бу ҳикмат ҳеч бир замонда эскирмайди. Ўтмишда ҳам қўшчилар билан тинч-тотув, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирилган. Ота-боболаримиз бу муқаддас каломни дил-дилидан ҳис этишиб, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишган. Қўни-қўшничилик ришталарини мустаҳкам боғлаган аجدодларимиз қўшни давлатлар тақдирига ҳам бефарқ қарашмаган.

Халқимизга тарихдан мерос бўлиб келаятган бу азалий аёнанинг келажақда ҳам давом этишига шубҳа йўқ. Негаки, мамлакатимиз амалга ошираётган тинчлик сиёсати ана шундан далолат бериб турибди. Бу сиёсат кўп миллатли халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича бўлиб ўтган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги халқаро конференциянинг мақсади ҳам тинчлик ва осойишталикка хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир Ўзбекистон позициясини батафсил баён қилган. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги конференцияда Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича кенг қамровли дастур қабул қилиш тақдирини илгари сурилган эди.

Афғонистон Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган Марказий Осиё Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприқдир.

Қарийб 40 йилдан буён афғон халқи мамлакатдаги уруш ва бошқа моҳирлар туфайли рўшнолик нималигини билмай келмоқда. Бу даврда мамлакат катта йўқотишларга дуч келди. Ён қўшнимиз бўлган жафқош афғон халқи мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва ривожланишга ҳамиша ҳавас қилади. Ўзбекистон раҳбарияти эса Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида доимий ташаббус кўрсатиб келмоқда. Тошкентда ўтказилган халқаро конференция бунинг яққол исботидир.

Конференция иштирокчилари Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақада барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш ҳамда афғон халқининг азоб-қувбатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

Шунингдек, Афғонистоннинг муштараклиги, ҳудудий яхлитлиги, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатидан тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни ҳурмат қилишларини билдиришди. Конференцияда толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зўравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли эканлиги, Афғонистон ҳукуматининг «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича саъй-ҳаракатларининг қўллаб-қувватланиши энг муҳим масала эканлиги таъкидланди.

Тошкент конференцияси халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. Афғонистон ҳаётида янги саҳифа очилишига умид уйғотмоқда.

Мажидхон УСМОНОВ,
ЎЗХДП Самарқанд вилоят
кенгаши раиси.


ҚОНУН ВА ШАРҲ

Жамоатчилик назорати халқ назорати демакдир

Жорий йилнинг 29-30 март кунлари Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиёти билан боғлиқ муҳим масалалар, шунингдек, қатор қонунлар муҳокама этилиб маъқулланди. Шулардан бири «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонундир. Сенат аъзоси ушбу қонунни шарҳлади.

2



СУВ БЕҲИСОБ ЭМАС

Ундан тежаб-тергаб фойдаланиш муқаддас бурчимиз

Кейинги пайтда Ер қурраидаги сув ресурсларининг тугаши ёки «киссиқхона эффекти» натижасида кўпайиб кетиши инсониятни катта экологик фожияларга олиб келиши ҳақида турли-туман мулоҳазалар билдирилмоқда. Баъзи ҳисоб-китобларга қўра, инсониятнинг ҳушук сув ресурсларидан фойдаланиш аҳволи ҳозирги тарзда давом этса, 2100 йилларга бориб, сув таъминотида огир вазият юзага келади. 2230 йилга бориб, планетанинг сув захиралари батамом тугайди.

Соҳа экспертларининг айтишича, сўнгги 50 йил мобайнида дунёда ичимлик сува бўлган эҳтиёж аҳоли сони ва экин майдонлари кенгайишига пропорционал тарзда уч баробар ортиб, тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар тобора чуқурлашиб бормоқда.

3

